

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ШУКУРАЛИЕВ АБРОРБЕК ШУКУРАЛИ ЎҒЛИ

**ТУКСИЗЛАНГАН УРУҒЛИ ЧИГИТ УЧУН УНИФИКАЦИЯЛАНГАН
ИШЧИ ОРГАНИ ДИЭЛЕКТРИК САРАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Шукуралиев Аброрбек Шукуралӣ ўғли

Туксизланган уруғли чигит учун унификацияланган ишчи органли
диэлектрик саралаш қурилмасини ишлаб чиқиш.....3

Шукуралиев Аброрбек Шукуралӣ угли

Разработка унифицированного рабочего органа диэлектрического
сортировочного устройства для оголенных семян.....21

Shukuraliev Abrorbek Shukurali ogli

Development of a unified working body of a dielectric sorting device for bare
seeds.....38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works41

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ШУКУРАЛИЕВ АБРОРБЕК ШУКУРАЛИ ЎҒЛИ

**ТУКСИЗЛАНГАН УРУҒЛИ ЧИГИТ УЧУН УНИФИКАЦИЯЛАНГАН
ИШЧИ ОРГАНЛИ ДИЭЛЕКТРИК САРАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В2021.4.PhD/T2516 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tiame.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлантирилган.

Илмий раҳбар:	Мамаджанов Баходир Джураханович техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оponentлар:	Музафаров Шавкат Мансурович техника фанлари доктори, профессор Холматов Доврон Абдуалимович техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етақчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил 20 апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Нисзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (214 - рақам билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Нисзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871)237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «9» апрел кунин тарқатилди.
(2022 йил «11» март даги 91 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

У.Т. Кузнев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

Х.М. Муратов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сифатли саралаш учун энергия ва ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 75 дан ортиқ мамлакатда пахта экилишини ҳисобга олсак»¹, пахта чигитини экишдан олдин саралашда сифат кўрсаткичлари бўйича саралайдиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пахта чигитини экишдан олдин саралаш ва тозалаш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахта чигитини экишдан олдин унинг таркибидаги бегона қўшилмаларни ажратиб олиш ва сифат кўрсаткичлари бўйича саралаш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан туксизлантирилган уруғли чигитларни юқори сифатга эга бўлган уруғларни ажратиб олишда юқори иш сифатини таъминлаш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш имконини берадиган қурилмаларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан туксизлантирилган чигитини дастлабки тозалаш билан бирга уни фракцияларга ажратиб олишни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда пахта чигитини экишдан олдин уруғнинг сифат кўрсаткичларини ошириш, чигит саралашда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш ва уруғлик чигитни саралашда нобудгарчиликни камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, уруғлик чигитни саралаш ва тозалашда нобудгарчиликни камайтирган ҳолда, сифатли саралаш билан бирга, биологик кўрсаткичлари бўйича ажратишни амалга оширадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган унификацияланган машиналарни яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹https://www.atlasbig.com/ru_

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 512-сон «Республикада замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» ва V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини электр майдонида саралаш қурилмаларининг параметрларини асослаш бўйича хорижда А.М.Басов, И.Ф.Бородин, С.Д.Делһом, С.В.Армајо, В.И.Тарушкин, А.Э.Арнольд, Т.Н.Стерхова, А.П.Козлов, В.В.Шмигель, С.А.Соколов, А.И.Тищенко, В.В.Огурцов, Нгуен Динь Лук, И.И.Будзко ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамизда уруғларни саралаш ва унда қўлланиладиган машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар А.Раджабов, А.Мухаммадиев, А.Юсубалиев, В.В.Мазаев Ш.Г.Айдаров, А.Т.Росабоев, П.Шайимов, Н.А.Душамов, О.Ж.Пиримов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган. Улар олиб борган тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган усуллар ва қурилмалар қишлоқ хўжалигида муайян ижобий натижаларга эришилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган электр саралагич қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо уруғларни электродлар сиртида оптимал жойлашувини таъминловчи унификацияланган ишчи орган ишлаб чиқиш, уруғларни электродлар сиртида ихтиёрий жойлашуви билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОСХ-105 «Уруғли чигитни электр майдонида саралаш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади.Туксизланган чигитни саралаш сифатини оширувчи унификацияланган ишчи органли диэлектрик калибрлаш-саралаш машинасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туксизланган чигитлар сифатини ошириш имкониятини яратувчи диэлектрик калибрлаш-саралаш машинаси ишчи органини асослаш, ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;

электродларга бериладиган кучланиш ва ишчи органнинг айланиш тезлиги учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш;

унификацияланган ишчи органни ишлаб чиқиш ва чигитни саралаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

таклиф этилган ишчи органда туксизланган чигитларни саралаш жараёнларини тадқиқот қилиш ва ишлаб чиқилган қурилманинг қўллаш мақсадга мувофиқлигини иқтисодий жиҳатдан аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида туксизланган уруғлик чигитларни саралайдиган унификацияланган ишчи органида саралаш технологик жараёни ва уни амалга оширадиган қурилма олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўз ўқи атрофида айланувчи электродли унификацияланган ишчи органга эга бўлган диэлектрик калибрлаш-саралаш машинасидаги электромагнит саралаш жараёнларини аниқлаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида электромагнит майдон ва комплекс ўзгарувчан функциялар назарияси, уруғларни цилиндр симон сиртларда саралаш, дифференциал тенгламаларни сон-ҳисоб усуллари билан ечиш, математик моделлаштириш усуллари, рентген тасвир таҳлили усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туксизланган уруғли чигитни ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизимига эга бўлган унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

цилиндрсимон кутблари ўзгарувчан ўтказгичлар системасидаги электр майдон кучланганлиги ҳамда пондеромотор кучнинг ўзгариш қонунияти, уруғлик чигитнинг электродлар сиртида диагонал жойлашишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

электродларга бериладиган кучланиш ва сараловчи ишчи органнинг айланиш тезлиги электродлардаги рухсат этилган ишчи кучланишни ҳисобга олган ҳолда асосланган;

диэлектрик саралаш қурилмасининг иш унумдорлиги ва чигитни сараловчи ишчи органдан узилиш бурчаги, саралагич барабаннинг радиуси ва бурчак тезлиги ҳамда уруғларнинг электродлардаги ишқаланишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизимини унификацияланган ишчи органда жорий этувчи ва саралаш сифатини оширувчи диэлектрик

калибрлаш-саралаш машинаси такомиллаштирилган;

унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасида туксизланган чигитни саралаш жараёнлари уруғлик чигит сарфини 35-50% га, яганалаш учун меҳнат сарфини 70-85% га камайтириш, ҳосилдорликни 3 ц/га ошириш имконини берувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган туксизланган уруғлик чигит учун унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралагич синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз ўқи атрофида айланувчи электродларнинг электр майдони математик модели ишлаб чиқилганлиги, қайд этилган электродлар тизимининг электр майдони ҳисобланганлиги, саралаш жараёнига таъсир этувчи факторларни тадқиқот қилинганлиги, электродларда ўрнатиладиган ишчи кучланиш асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туксизланган уруғлик чигит сарфини 35-50% га, яганалаш учун меҳнат сарфини 70-85% га камайтирилганлиги, ҳосилдорликни 3 ц/га оширилганлиги, бир дона машинани қўллаш натижасида 3,926 млн. сўм ўртача йиллик иқтисодий самарага эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туксизланган уруғлик чигит учун унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

диэлектрик калибрлаш-саралаш қурилмасига интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 06454, 2018 й). Натижада, туксизланган уруғлик чигит учун унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмаси Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги “Водий оқшоми” фермер хўжалигида жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 22 октябрдаги 03/12-252-сон маълумотномаси). Натижада, туксизланган уруғлик чигит сарфини 35-50% га, яганалаш учун меҳнат сарфини 70-85% га камайиши ва ҳосилдорликни 3 ц/га ошириш имконини берган;

ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизимини унификацияланган ишчи органда жорий этувчи ва саралаш сифатини оширувчи диэлектрик калибрлаш-саралаш машинаси Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги «Сўфиқишлоқ пахта тозалаш» АЖ да жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 22 октябрдаги 03/12-252-сон маълумотномаси). Натижада, бир дона машинани қўллаш натижасида 3,926 млн. сўм ўртача йиллик иқтисодий самарага эришиш

имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. ва 1 та ихтиро учун патент ва дастурий маҳсулот учун 1 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чигит саралашнинг самарали воситаларини яратиш зарурияти**» деб номланган биринчи бобида пахтанинг иқтисодиёт тармоқлари учун аҳамияти ва унга ишлов беришнинг замонавий прогрессив технологиялари, чигитнинг турли сифатларга эгаллиги саралашнинг асосий омиллари (сабаблари), чигит саралашнинг усуллари ва техник воситалари, уларнинг афзал ва камчиликлар таҳлили кўриб чиқилган. Сифатли чигитга эга бўлиш учун электр майдонларини қўллаш, ушбу ҳолат пахта хомашёсини интенсив технологиялари билан кластер усули учун ўта зарурлиги асослаб берилган.

Ушбу бобда чигитни электр майдонида саралаш усуллари ва техник воситалари таҳлили келтирилган. Уларнинг ичида ҳозирги вақтда энг самаралиси диэлектрик усулни ўзида жорий этган диэлектрик калибрлаш-саралаш машинаси ДКСМ-1-2 эканлиги кўрсатилган. Машинанинг цилиндрсимон ишчи органи икки вазифани бажаради: уруғларни қалинлиги (яъни ўлчамлари) бўйича калибрлайди ва оғирлиги ва зичлиги бўйича электр майдонида саралайди. Цилиндрсимон ишчи органда электродлар «олмахон ғилдираги» кўринишидаги шаклдага жойлашиб, уларнинг ораси маълум масофа билан ажратилган. ДКСМ-1-2 нинг камчилиги - чигит аралашмасини юклаш бункеридан ишчи орган сиртига тушган вақтида уруғларни ихтиёрий жойлашувининг саралаш сифатига салбий таъсир этишида.


Диссертациянинг «Айланувчи электродлар тизими ва саралаш жараёнини назарий тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида айланувчи электродлар тизимидан ҳосил бўлган электр майдонини аниқлаш, чигитга электр майдонида таъсир этаётган кучлар топиш, мазкур айланувчи электродлар тизими электр майдонини сон-ҳисоб усули билан тадқиқ этиш, айланувчи электродлар тизимига эга бўлган цилиндрсимон ишчи органда саралаш назарияси келтирилган.

Тадқиқот натижасида ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизими ҳосил қилган электр майдонининг потенциали ва кучланганлигини ҳисоблаш учун аналитик ифодалар олинди:

$$\varphi = \frac{\tau}{4\pi\epsilon_0\epsilon_1} \ln \frac{ch\frac{\pi}{a}y + \cos\frac{\pi}{a}x}{ch\frac{\pi}{a}y - \cos\frac{\pi}{a}x}; \quad (1)$$

$$E = \frac{\tau}{2\epsilon_0\epsilon_1 a} \left(ch^2 \frac{\pi}{a} y - \cos^2 \frac{\pi}{a} x \right)^{-\frac{1}{2}}; \quad (2)$$

бунда ϵ_0 -электр доимийси, $\epsilon_0 = 8,85 \cdot 10^{-5} \text{Ф/м}$; τ – электродлардаги зарядларнинг чизиқли зичлиги, $\frac{\text{Кл}}{\text{м}}$; ϵ_1 – муҳитнинг нисбий диэлектрик сингдирувчанлиги; a – электродлараро масофа, м.



1-расм. Қутблари ўзгарувчан ўқлардан ҳосил бўлган майдоннинг куч чизиқлари \vec{E} билан эквипотенциал сиртлар (φ) кўриниши


1-расмда қутблари ўзгарувчан ўқлар тизимидан ҳосил бўлган электр майдон куч чизиқлари билан эквипотенциал сиртларнинг тасвири кўрсатилган. Ушбу тасвир (1) ва (2) тенгламаларга жавоб беради. Кўришиб турибди 0,5 а дан кичикроқ кесимларда эквипотенциал юзалар айланаларга

яқин экан. Тенгламалар майдон кучланганлиги цилиндрсимон ўққа яқинлашган сари уни нақадар бир жинсли эмаслигини кўрсатиб турибди.

Қутблари ўзгарувчан ўзаро маълум масофада жойлашган электродлар тизимида заррачага таъсир этаётган пондеромотор куч қуйидаги формула билан аниқланади:

$$F_{э.л} = 2\pi^4 \varepsilon_0 U^2 \left(\frac{R_a}{a}\right)^3 \frac{\varepsilon_2 - \varepsilon_1}{\varepsilon_2 + 2\varepsilon_1} \left(\ln \frac{1 + \cos \frac{\pi r}{a}}{1 - \cos \frac{\pi r}{a}}\right)^{-1} \frac{(sh^2 \frac{2\pi}{a} y + sin^2 \frac{2\pi}{a} x)^{\frac{1}{2}}}{ch^2 \frac{2\pi}{a} y - cos^2 \frac{2\pi}{a} x} \quad (3)$$

бунда a – ишораси ўзгарувчан электродлар орасидаги масофа, ε_1 – ҳавонинг диэлектрик сингдирувчанлиги, ε_2 – заррачанинг диэлектрик сингдирувчанлиги R_e – изоляция қалинлиги қўшилган ҳолатдаги электрод радиуси, U – электродларга бериладиган кучланиш.



2-расм. Қутблари ўзгарувчан ўтказгичлар системасида пондеромотор кучларнинг тасвири

2-расмда қутблари ўзгарувчан ўтказгичлар системасидаги пондеромотор кучлар тасвири келтирилган. Ушбу чизиқлар уринмалари фазонинг ихтиёрий нуқтасидаги куч йўналишини белгилайди. Расмдан кўриниб турибдики, кучлар тасвири симметрик ва бир хилдир, хоҳ мусбат ўтказгичлар учун, хоҳ манфий ишорали ўтказгичлар учун бир ҳилда. Яъни пондеромотор кучнинг йўналишига ўтказгичнинг заряд ишораси таъсир этмас экан.

Демак, электр майдони кучланганли (3) билан пондеромотор кучларнинг ҳисоби натижасида электр майдон кучланганлиги ҳамда пондеромотор кучнинг цилиндрсимон қутблари ўзгарувчан ўтказгичлар системасида ўзгариш қонунияти аниқланди.

Тенгламалар таҳлилидан қуйидагилар келиб чиқади:

қутблари ўзгарувчан ўтказгичлар тизимидаги электр майдон кучланганлиги ўтказгичлардан узоқлашган сари кескин камаяди ва қадам


(яъни 2 а)га тенг бўлган масофада майдон таъсирини ҳисобга олмаса ҳам бўлаверади.

кутблари ўзгарувчан ўтказгичлар майдонидаги пондеромотор кучларнинг камайиши даражаси электр майдон кучланганлигининг камайиши даражасига қараганда кўпроқдир, яъни ушбу майдонда пондеромотор кучлар қиймати кучланганлик қийматларига нисбатан тезроқ камаяди. Ўтказгичлардан ўқлараро a масофада пондеромотор куч таъсирини ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

юқоридагилардан ишораси ўзгарувчан электродлар тизимини эркин тушиш диэлектрик сепараторларида қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Ушбу тизим майдон кучланганлиги ва пондеромотор куч қийматлари юқори бўлган, яъни электродлар юзасида қўлланиши самарали бўлади.

Бунинг амалий қўлланиши сифатида турли ўлчам ва турли ички структурасига ҳамда таркибга эга бўлган майда зарраларни электр майдони ёрдамида саралашни белгилаш мумкин.

Ўтказгичлар тизимининг электр мустаҳкамлигини таъминлаш учун уларни изоляцияли холда бўлишини таъминлаш керак. 3-расмда таклиф этилаётган ўтказгичлар системасининг тасвири кўрсатилган.



1-изоляция; 2-ўтказгич.

3-расм. Цилиндрсимон изоляцияланган ўтказгичлар системаси


Таклиф қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

доирасимон кўндаланг кесимга эга бўлган ўтказгичларда ҳосил бўлган электр майдон кучланганлиги концентрацияси сирт бўйича тенг тақсимланган. Бу эса таклиф этилаётган ўтказгичлар системасини электр мустаҳкамлиги нуқтаи назардан ишончли деб ҳисобласа бўлади;

доирасимон кесимга эга бўлган изоляцияланган ўтказгичлар саноат томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

диэлектрик саралаш машиналарининг асосий ишчи органлари электродлари қарама-қарши зарядга эга бўлиб, ўзаро ва ташқи муҳитдан поливинилхлоридли изоляция билан ҳимояланган. Ушбу изоляциянинг ишчи орган электродлари томонидан ҳосил қилинган электр майдони параметрларига таъсири мавжуд;

шунинг учун устки қисми поливинилхлорид изоляция билан қопланган ҳамда ҳаво оралиғи билан ажратилиб турган электродлар тизими изоляциясини ва ташқи реал шароитлари (ҳарорат)ни электр майдонга таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.




U_1 -электрод юзасидаги кучланиш; U_2 - X ўқи бўйича электродлар оралиғидаги кучланиш, a_1 электрод изоляциясидаги масофа, a_2 электродлар орасидаги масофа, r - изоляцияланган электроднинг радиуси.

4-расм. Электродлар тизимининг ҳисобий модели

Ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар атрофида ҳосил бўлган электр майдонини Лапласнинг дифференциал тенгламаларини сон ҳисоб усули билан ҳисобланган. Электродлар тизимининг ҳисобий модели 4-расмда кўрсатилган. Ҳисоблашлар натижасида қуйидагилар аниқланди: $0-40^{\circ}\text{C}$ ҳароратидаги оралиқда электродлари зич жойлашган тизимда куч характеристикалари кескин ўзгариши мумкин экан. Электродлари масофада жойлашган тизимда эса кучланиш 1 дан 4 кВ оралиғида ўзгарганда ҳам ҳароратга боғланганлик даражаси пастлиги кузатилмоқда. Бу ҳавонинг диэлектрик сингдирувчанлиги $0 - 40^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ва $0 - 100\%$ нисбий намликларда $1/100\%$ ли улушга ўзгариши билан изоҳланади.

Демак, диэлектрик саралаш машиналарида зич жойлашган электродлар тизимига нисбатан, масофада жойлашган электродлар тизими учун ҳароратни стабиллаштириш қурилмаси зарур эмас.

Агар диэлектрик заррача (уруғ) ҳолатини тузатувчи (айланувчи) электродлар тизими цилиндрик сиртга жойлаштирилса, заррачага қуйидаги кучлар таъсир қилади: оғирлик кучи P , нормал босим кучи Na , ишқаланиш кучи $F_{и}$ марказдан қочма куч $F_{МК}$, уруғларнинг кутбланиши натижаси ўлароқ пондеромотор куч F_3 . 5-расмда уруққа таъсир этувчи кучларнинг вектор диаграммаси келтирилган.



5-расм. Цилиндрсимон ишчи органдаги электродларда жойлашган заррачага таъсир этувчи кучларнинг вектор диаграммаси

Бу ҳолда ўқ бўйича перпендикуляр бўлган проекцияларда ёзилган тенгламалар кўриниши қуйдагича:

$$\left. \begin{aligned} m\omega^2(R + \Delta h) - 2\widehat{F_{o3}}\cos\frac{\theta_1}{2} - 2\widehat{F_{d3}}\cos\frac{\theta_1}{2} - \\ - 2\widehat{F_{тpO}}\sin\frac{\theta_1}{2} - 2\widehat{F_{тpд}}\sin\frac{\theta_1}{2} - mg \cdot \cos\varphi + \\ + \left(\overrightarrow{N_{dо}} + \overrightarrow{N_{dо}}\right) \cdot \cos\frac{\theta_1}{2} + \left(\overrightarrow{N_{dд}} + \overrightarrow{N_{dд}}\right) \cdot \cos\frac{\theta_2}{2} = 0 \\ mg \cdot \sin\varphi + \overrightarrow{N_{dо}} \cdot \sin\frac{\theta}{2} - \overrightarrow{N_{dо}} \sin\frac{\theta_1}{2} = 0 \end{aligned} \right\} \quad (4)$$

бунда θ_1 - электродлар томондан сиртдаги кучларнинг таъсир йўналишлари орасидаги бурчак, рад, $\overrightarrow{N_{dо}}$ - уруғдаги асосий электродларнинг нормал босим кучлари, $\overrightarrow{F_{тpо}}$ уруғнинг асосий электродлардаги ишқаланиш кучлари.

Тенгламаларни тузишда (заррачаларнинг цилиндрдан) ажралишидан олдин қуйидаги шартлар бажарилиши ҳисобга олинди:

$$\begin{aligned} \left| \overrightarrow{F_{тpо}} \right| = \overrightarrow{F_{тpо}} / \widehat{F_{тpо}}; \left| \overrightarrow{F_{тpд}} \right| = \overrightarrow{F_{тpд}} / \widehat{F_{тpд}} \\ \left| \overrightarrow{F_{эо}} \right| = \overrightarrow{F_{од}} / \widehat{F_{эо}}; \left| \overrightarrow{F_{дэ}} \right| = \overrightarrow{F_{дэ}} / \widehat{F_{дэ}} \end{aligned} \quad (5)$$


$$\left| \overrightarrow{N_{dо}} \right| = \overrightarrow{N_{dо}} / \widehat{N_{dо}}; \left| \overrightarrow{N_{дд}} \right| = \overrightarrow{N_{дд}} / \widehat{N_{дд}}$$

(5) шартни инобатга олган ҳолда (4) тенгламалар диэлектрик уруғларнинг ҳолатини тўғрилайдиган электродлар тизимига эга сепараторнинг ишчи органида уруғларни ажратиш жараёнининг математик моделини ифодалайди.

Цилиндрсимон ишчи органнинг диаметри $D= 0,3-0,4$ mm чегарасида бўлиш керак эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Айланувчи электродларга эга бўлган ишчи органи ишлаб чиқиш. чигитни саралаш бўйича экспериментал тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида ўз ўқи атрофида айланувчи тизимнинг модели ишлаб чиқилиб тадқиқот қилинди, ушбу тизимнинг конструктив параметрлари асослаб берилди.


Ўз ўқи атрофида айланувчи электродларга эга бўлган унификацияланган ишчи органда уруғларни саралаш жараёнларини тадқиқот қилиш мақсадида лаборатория стенди ишлаб чиқилган.



6-расм. Унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш машинасининг технологик схемаси

Унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш машинаси (УИОДСМ) қуйидаги элементлардан ташкил топган; 1-рама (барча элементларни тутиб турувчи куч конструкцияси; 2 – юкловчи бункер; 3 – ишчи орган; 4 – ажратилганлик уруғ маҳсулотлари қабул қилгичлари; 5-ишчи органнинг электр юритмаси; 6 - саралаш қурилмасини бошқариш станцияси; машинанинг юклаш қурилмаси; 7–юкловчи бункернинг ички қисмида 8 – аралаштириш мосламаси мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаси – уруғ тўпиларининг ҳосил бўлишини олдини олиш. Ундан ташқари резинадан ясалган уруғ узатиб бериш валчаси 10 ҳам ўрнатилган. Ишчи органга берилаётган уруғлар аралашмасининг миқдори тўсқич 9 ёрдамида ростланади. Ишчи орган 11 ўз ўқи атрофида айланиш имкониятига эга бўлган, кутблари ўзгарувчан ва барабан (ёки “Олмагон ғилдираги”) шаклида терилган электродлар тизимини ташкил этади. 12-майда сифатсиз уруғларни қабул қилгич.



Таклиф этаётган ўз ўқи атрофида айланувчи электродларга эга бўлган унификацияланган ишчи органда қурилманининг бўйлама кесим кўриниши 7-расмда келтирилган.



7-расм. Электродлари ўз ўқи атрофида айланувчи диэлектрик калибрлаш-саралаш машинасининг бўйлама кесим кўриниши

Қурилмага қуйидагилар киради: 1-юкловчи бункер, 1-учида тишли филдиракчалар билан таъминланган ўз ўқи атрофида айланиш имкониятига эга кутблари ўзгарувчан электродлар, 2- электродлар ўрнатилиши учун таянч диск, 3 - тишли тож. Таклиф этилган ишчи органда уруғларни саралаш режимлари асослаб берилди. Ишлаб чиқилган экспериментал модельда олиб борилган тадқиқотлар ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизимини, масофада жойлашган ва қўзғалмас электродлар тизимига нисбатан юқорироқ самарага эга эканлиги тўғрисидаги назарий тадқиқотларни тасдиқлади.

Ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизимда уруғларнинг ихтиёрий жойлашувининг ва жойлашув органининг электр кучига таъсири камайиши аниқланди (8-расм).



8-расм. Ғўза уруғни жойлаштиришнинг мумкин бўлган имкониятлари стерженли электродлар ва бу вариантларга мос кучланишга электр кучининг боғлиқликлари


Тажрибалар сонини камайтириш ва аниқлигини ошириш, жараённинг математик тавсифлари тенгламаларини олиш ва тадқиқотнинг оптимал соҳасида режим параметрларини ўрнатиш учун тажрибаларни режалаштириш математик назариясидан фойдаланган ҳолда иш олиб борилди.

Кодланган қийматларни натураль қийматларга ўтказиб ва тегишли ўзгаришлардан кейин унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасида туксизланган чигитни саралаш жараёнини ифодаловчи математик модели қуйидаги кўринишга келди:


$$W = 28,49 + 1,1U^2 + 0,026n^2 - 4,25U - 1,324n - 0,032Un \quad (6)$$

Математик моделнинг оптимум қийматини топиш учун PascalABC компьютер дастурида ҳисобланди. Тадқиқотлар натижасида унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасида туксизланган чигитни саралаш жараёнининг қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди: ишчи орган электродларидаги кучланиш 2 кV, ишчи органнинг айланиш тезлиги 24 ayl/min. Ушбу параметрларда унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмаси туксизланган чигитни саралаш 91,6 % ташкил этиши аниқланди.

Саралаш жараёни иккита ишчи органда таққосланди ва таклиф этилаётган ишчи органи юқорироқ самарадорлиги тасдиқланди (9-расм).



а) экин учун мўлжалланган фракция



б) чикиндилар фракцияси

бунда 1 – ўз ўқи атрофида айланувчи электродли ишчи орган

2 – стерженьсимон маҳкамланган электродли ишчи орган

9-расм. Икки хил ишчи органда саралаш жараёнларининг натижалари

Ўз ўқи атрофида айланувчи электродли унификацияланган ишчи органни қўллаш чигитларни электродлар устида оптимал ориентациясини таъминлаб беради. Ишчи органдаги электродлар орасидаги масофанинг оптимал қиймати 1,5 mm дан 3 mm гача олиниши мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқилган ишчи органда саралаш жараёнининг самарадорлиги калибрлаш зонасида электродларнинг ўз ўқи атрофида айланиш ва чигитни электродларга жойлашиш куч тасирини камайиши, сифатсиз уруғларнинг чиқиндига чиқариш эффектини ортиши ҳисобига ортади. Ўз ўқи атрофида айланувчи электродларга эга бўлган ишчи органда майда, ҳамда катта ўлчамлардаги сифатсиз уруғларни ажратиш тўлақонли даражаси $\approx 20-22\%$ ташкил этади.

Диссертациянинг «Айланувчи электродларга эга бўлган ишчи органни синовдан ўтказиш» деб номланган тўртинчи бобида юқорида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган диэлектрик калибрлаш-саралаш машинаси синовлари тўғрисида маълумот, УИОДСМ ишончлилиги бўйича ҳисоб-китоблар, КСМ-1.5 калибрлаш саралаш механик машинаси билан қиёсий маълумотлар келтирилган.

Таклиф этилган машинанинг иқтисодий самарадорли кўрсаткичлари ҳисобланган. Машинанинг биринчи носозликкача бўлган ишлаш муддати $T_{\lambda} = 9889$ soat, носозликсиз ишлаш эҳтимолиги $P=0.97$.

Лаборатория-технологик тадқиқотлари УИОДСМ нинг иш унумдорлиги 0.24 т/soat ўрнатилганда икки каррали саралаш юқори сифатли уруғликни таъминлаб бера олади.

Лаборатория дала шароитларида (“Водий оқшоми” фермер хўжалиги, Сўфи қишлоқ пахта тозалаш заводи) ўтказилган тадқиқотлар УИОДСМ,

ДКСМ-1-2, КСМ-1.5, машиналарида сараланган уруғлик чигит билан амалга оширилган. Уруғлар стандарт усуллар билан текширувдан ўтказилишидан ташқари рентген қурилмалари ёрдамида махсус услубиётни қўллаган ҳолда тадқиқот қилинган.

Лаборатория дала ишлаб чиқариш синовлари УИОДСМ машинасининг ДКСМ-1-2 ва КСМ-1,5 машиналарига нисбатан юқорироқ самарадор эканлигини кўрсатди: 1000 дона уруғ 3-9 g, униб чиқиш даражаси 2-9 % га ортган ниҳолларнинг бир вақтда униб чиқиши ва ривожланиш тезланиши 1 - 5 кун, уруғларни экиш меъёри 35-50%, яганалаш учун меҳнат сарфи 70 - 85% камайган; бир дона ғўзадаги кўсаклар сони 0.6 - 1.3 га ортган. Натижада ҳосилдорлик 3 - 4 ц/га га ортган.

УИОДСМ машинасини қўллашдан ҳосил бўлган йиллик иқтисодий самарадорлик 3,926 млн. сўм дан ортиқ, ўз ўзини қоплаш муддати бир йилдан кам.

Таклиф этилаётган унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасининг республика ҳудудида жорий этилиши, хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Республика қишлоқ хўжалигига сифат жиҳатидан янги техника ва технологиялар кириб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортишига олиб келади.

ХУЛОСА

«Туксизланган уруғлик чигит учун унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида ўз ўқи атрофида айланувчи электродлар тизимини жорий этган унификацияланган ишчи органли диэлектрик калибрлаш-саралаш (УИОДСМ) машинаси ишлаб чиқилди. Натижада машина юқори сифатли уруғлик туксизланган чигитларни ажратиш имкониятини яратади.

2. Ишчи органни ишлаш унумдорлиги ва чигитни ишчи органдан узилиш бурчаги билан асосий технологик ва конструктив параметрлари орасидаги боғланишни белгиловчи аналитик ифодалар аниқланди ва натижада максимал ишлаб чиқариш унумдорлигини таъминлаш учун ишчи органдаги электродлар орасидаги масофанинг оптимал қиймати 1,5 mm дан 3 mm гача олиниши асосланди.

3. Эксперимент натижалари асосида унификацияланган ишчи органда чигитни саралаш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилиб, унинг асосида унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасида туксизланган чигитни саралаш жараёнининг оптимал параметрлари аниқланди: ишчи орган электродларидаги кучланиш $U = 2$ кV, га тенг ишчи органнинг айланиш тезлиги 24 ayl/min бўлганда туксизланган чигитни максимал саралаш таъминланди.

4. Таклиф этилаётган унификацияланган ишчи органли диэлектрик

саралаш қурилмасида уруғлик чигит сараланганда амалдаги саралаш машиналарига нисбатан 1000 дона уруғнинг массаси 2-9 граммга ошди ва натижада бу ниҳолларни униб чиқиши 2-9 % ортиши ва 1-5 кунга тезлашиши, яганалаш учун меҳнат сарфлари 70-85 % га камайиши, ҳосилдорликни 3 ц/га ошириш имконини яратди.

5. Ишлаб чиқилган унификацияланган ишчи органли диэлектрик саралаш қурилмасини қўллаш ва уруғлик чигитни саралаш сифатини ошириш билан бирги ўртача 3,926 млн. сўм йиллик иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ШУКУРАЛИЕВ АБРОРБЕК ШУКУРАЛИ УГЛИ

**РАЗРАБОТКА УНИФИЦИРОВАННОГО РАБОЧЕГО ОРГАНА
ДИЭЛЕКТРИЧЕСКОГО СОРТИРОВОЧНОГО УСТРОЙСТВА ДЛЯ
ОГОЛЕННЫХ СЕМЯН**

05.01.06 - Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/T2516

Диссертация выполнена в Андижанском машино-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tiame.uz и образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Мамажонов Баходир Джурахонович**
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Музафаров Шавкат Мансурович
доктор технических наук, профессор

Холматов Доврон Абдуалимович
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация: **Наманганский инженерно – технологический институт**

Защита диссертации состоится «20» апреля 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-09-75, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер 214). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-09-75, e-mail: admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «9» апреля 2022 г. (протокол рассылки № 71 от «11» марта 2022 года).



Б.О. Мирзаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

У.Т. Кузиев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
PhD, доцент.

Х.М. Муратов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Применение энерго- и ресурсосберегающих технологий и оборудования для качественной сортировки семян сельскохозяйственных культур является одним из ведущих направлений. «Учитывая тот факт, что хлопок выращивают более 75 стран мира»¹, требуется внедрение качественных сортировальных машин при предпосевной сортировке семян хлопчатника. В связи с этим особое внимание уделяется широкому внедрению качественного и энергосберегающего оборудования и приспособлений для сортировки и очистки семян хлопчатника перед посевом.

Во всем мире проводятся исследования по разработке новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и оборудования для отсева посторонних примесей и сортировки семян по качественным показателям перед посевом семян хлопчатника. В связи с этим особое внимание уделяется созданию устройств, обеспечивающих высокое качество работы, а также энерго- и ресурсосбережение при сепарации качественных, в том числе оголенных семян хлопчатника. С этой точки зрения одной из актуальных задач является разработка энергосберегающей машины, для первичной очистки оголенных семян хлопчатника, их фракционирования, а также выявление и оценка технико-экономических показателей.

В стране проводятся масштабные мероприятия по повышению качества семян перед посевом хлопчатника, снижению трудозатрат и энергозатрат при сортировке семян, экономии ресурсов и разработке ресурсосберегающих приемов и технологий для снижения потерь семян хлопчатника, достигнуты при этом определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает важные задачи, в том числе в частности, «...модернизацию и ускоренное развитие сельского хозяйства, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности, расширение производства экологически чистой продукции, значительные задачи по значительному увеличению экспортного потенциала аграрного сектора...»³. При выполнении этих задач важно создание технически и технологически модернизированные унифицированные машины, осуществляющие сортировку по биологическим параметрам, наряду с сортировкой по качеству, при этом снижении потерь при сортировке и очистке семян.

Данная диссертационная работа в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан

<https://www.atlasbig.com/ru>.

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

